

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ИСЛОМОВ САРВАР САЪДУЛЛАЕВИЧ

**КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ МАҲСУЛДОР, ДОН СИФАТИ ЮҚОРИ ҲАМДА
ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИНИ
ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2021

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам**

Contents of dissertation abstract of (PhD) on agricultural sciences

Исломов Сарвар Саъдуллаевич

Кузги буғдойнинг маҳсулдор, дон сифати юқори ҳамда занг касалликларига
чидамли бошланғич манбаларини яратиш 5

Исламов Сарвар Саъдуллаевич

Создание продуктивных, качественных и устойчивых к ржавчине первичных
источников озимой пшеницы..... 21

Islamov Sarvar Sa'dullaevich

Creating productive, high-quality, and rust-resistant primary sources of winter wheat
..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**И ДОН ВА ДУККАКЛИ ЭКИНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҚАШҚАДАРЁ ФИЛИАЛИ**

ИСЛОМОВ САРВАР САЪДУЛЛАЕВИЧ

**КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ МАҲСУЛДОР, ДОН СИФАТИ ЮҚОРИ ҲАМДА
ЗАНГ КАСАЛЛИГИГА ЧИДАМЛИ БОШЛАНҒИЧ МАНБАЛАРИНИ
ЯРАТИШ**

06.01.05 – Селекция ва уруғчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.1.PhD/Qx370 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти Қашқадарё филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.agrar.uz ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали www.ziynet.uz манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич,
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Алликулов Сафар Менгликулович
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта
илмий ходим

Бобоев Саидмурат Кимсанбоевич
биология фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий тадқиқот
институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил 111218, Тошкент, Университет кўчаси 1-уй, Тел: (+99871) 150-62-78; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: пахтауз@mail.ru; Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институти Бош биноси, 3-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий тадқиқот институтининг кутубхонасида танишиш мумкин. (№ _____ -рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111218, Тошкент, Университет кўчаси, 1-уй. Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари институти кутубхонаси. Тел: (+99897) 746-47-60.

Диссертация автореферати 2021 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Э.Равшанов,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, к/х.ф.д.

А.Ё.Курбонов,
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, к/х.ф.д.

А.Б.Амантурдиев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, к/х.ф.д.

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг 92 мамлакатада йилиги 231 млн. гектардан ортиқроқ майдонга буғдой уруғи экилиб, пировардида 760,4 млн тонна дон олишга эришилмоқда. Буғдой дони дунё аҳолисининг энг кенг тарқалган озиқ-овқат маҳсулотларидан бири бўлиб, донли экинлар орасида майдони жихатидан етакчи экин ҳисобланади. Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ), Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти (ФАО)нинг 2019 йил октябрь ойидаги ҳисоботида, дунёда буғдой дони етиштириш йилдан йилга ортиб бораётганлигини кўрсатган. «Маълумотларида қайд этилишича, буғдой ялпи ҳосилдорлиги 2016 йилда 729 млн тонна, 2017 йилда 749 млн тонна, 2018 йилда 760,4 млн тоннани ташкил этган ҳолда умумий донли экинларнинг ялпи дон ҳосилдорлиги 2018 йилда 2658,1 млн. тоннага тенг бўлиб, шундан 28,6 фоизи буғдой дони, 2019 йилда эса 2720,0 млн тоннани ташкил этган ҳолда 28,9 фоизи буғдой дони ҳиссасига тўғри келиб, дон етиштириш 2018 йилга нисбатан 65,3 млн тоннага ёки 2,5 фоизга кўпайган»¹. Илм-фаннинг замонавий ютуқларидан фойдаланиб, ҳосилдор, дон сифат кўрсаткичлари юқори, касалликларга бардошли буғдой экинини янги навларини яратиш ҳозирда қишлоқ хўжалигининг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади.

Дунёнинг қишлоқ хўжалиги ривожланган, буғдой етиштиришда етакчи ўринларни эгаллаб келаётган Хитой, Хиндистон, Россия, АҚШ, Франция, Канада, Германия ва бир қатор мамлакатларда, кузги буғдойнинг ташқи омилларга чидамли, касаллик ва зараркунандаларга бардошли, айниқса сариқ ва қўнғир занг касалликларидан паст даражада зарар кўрадиган навларни яратиш ҳамда улардан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштиришда ресурстежамкор технологиялардан фойдаланиш борасида кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш» бўйича устувор вазифалар белгиланган. Ушбу вазифаларни ҳисобга олган ҳолда, бошқоқли дон экинлари касалликларига қарши самарали кураш усуллари тадбиқ этиш ҳосилдорликни ошириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш муҳимдир.

Ўзбекистон Республикасининг «Қишлоқ хўжалик ўсимликларини зараркунандалар, касалликлар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 29 мартдаги 148-сон “Ўсимликларни ҳимоя қилиш хизмати тузилмасини такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 29 декабрдаги ПҚ-2460-сон “2016-2020 йилларда қишлоқ хўжалигини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар

¹ <http://www.fao.org/worldfoodsituation/csdb/ru/>

стратегияси тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 8 сентябрдаги ВМ-546-сон “2021 йилда бошқли дон етиштириш чора – тадбирлари тўғрисида”ги Қарорига ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Республикада буғдой селекцияси, уруғчилиги ва нав агротехникасини яратишда маҳаллий олимлардан К.Назари, К.Веллингс, Р.Шарма, М.Кесар, А.Маргунов, Ф.А.Квятковский, О.И.Петров, Н.В.Покровский, И.М.Юданов, О.Р.Каткова, А.И.Ковалёв, Н.М.Мамиров, Н.Б.Бекназаров, Д.Т.Қобулов, Р.А.Удачин, И.Ш.Шахмедов, Т.Х.Ходжакулов, А.Аманов, С.Ғайбуллаев, К.Равшанов, И.Хамдамов, Р.Сиддиқов, З.Зиядуллаев, А.Амонов, Ғ.А.Лавронов, Ғ.Қ.Қурбонов, Н.Халилов, Р.Сиддиқов, Х.Атабаева, Б.Азизов, А.Нурбеков ва бошқалар катта ҳисса қўшишган. Улар томонидан турли минтақалар селекциясига мансуб буғдой навлари ва агротехникаси яратилган. Аммо, Республиканинг жанубий минтақаси учун юмшоқ буғдойнинг сифатли, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга, ётиб қолишга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли янги навларини яратиш бўйича жаҳон коллекцияси намуналаридан кенг фойдаланган ҳолда селекция ишлари бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институти Қашқадарё филиалининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг № ҚХА-10-147 “Республиканинг жанубий минтақасида суғориладиган ва лалмикор ерлар учун буғдойнинг қурғоқчилик, иссиқлик, касалликка чидамли ҳамда серҳосил икки фаслли янги навларини яратиш ва юқори ҳосил берадиган самарадор агротехнологияларини ишлаб чиқариш” (2009-2011 йй.), № ҚХА-8-034 “Республиканинг суғориладиган ва лалмикор ерлари учун қурғоқчилик, касалликлар, зараркунандаларга чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг янги навларини яратиш “(2015-2017 йй.) мавзусидаги илмий–амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юмшоқ буғдойни селекция ишларининг самарадорлигини оширишда дунё генофондидан келтирилган хорижий навлар ҳисобига ирсияти яхшилانган юқори сифатли, серҳосил, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли бошланғич манбаларини яратиш ва уларни селекция жараёнларида янги маҳаллий навлар яратиш учун жорий этишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қўйидагилардан иборат:

серхосил, дон сифати кучли ва қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли юмшоқ буғдойнинг бошланғич манбаларини яратиш ва назарий асослаш;

географик жиҳатдан турли минтақалардан келиб чиққан юмшоқ буғдой жаҳон коллекцияси намуналарини ўрганиш асосида муҳим биологик ва қимматли хўжалик белгилари бўйича нав намуналарини ажратиш, ажратилган нав намуналаридан интенсив навларни яратишда дастлабки ашё сифатида фойдаланиш;

юмшоқ буғдойнинг бошланғич манбаларини яратиш учун ота-она шакллари танлаш ва чатиштириш;

турли ўстириш шароитларида тур ичида дурагайлашда микдорий белги ва хусусиятларни ирсият ва ирсийланиш даражаси ўртасидаги корреляция боғлиқлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юмшоқ буғдойнинг 101 та жаҳон коллекцияси намунаси, рақобат нав синовидаги 50 та, агроэкологик нав синовидаги 30 та юмшоқ буғдой навларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети буғдой намуналарини экиш меъёри, уруғларни униб чиқиши, ўсимликларнинг ривожланиши, касаллик, қиш, иссиқлик, қурғоқчиликка чидамлиги, ҳосилдорлиги, дон сифат кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Фенологик кузатувлар, дала ҳисоботлари ва селекцион-генетик таҳлиллар ЎзПИТИда қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари» (2007) ҳамда «Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмалари, илмий-тадқиқот натижалари Б.А.Доспехов (1985) услублари бўйича статистик таҳлил қилинган ҳамда навлар синови Давлат нав синаш методикаси (1981, 1986, 1989) асосида, иқтисодий самарадорлик Н.А.Баранов усули асосида бажарилган, шунингдек, тажрибада ўрганилган намуналарнинг касалликларга чидамлигини баҳолаш ICARDA халқаро илмий марказида (International Center for Agricultural Research in the Dry Areas, 1996) ишлаб чиқилган шкала бўйича фоизда (%) аниқланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиликлари қуйидагилардан иборат:

илк бор республиканинг жанубий минтақалари шароитида кенг кўламда юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси нав намуналари ўрганиш асосида улардан серхосил, дон сифати юқори, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли қимматли белги ва хусусиятларга эга янги нав намуналаридан селекция учун дастлабки ашё сифатида фойдаланилган;

серхосил, дон сифати кучли ва қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли юмшоқ буғдой дурагайларини яратиш учун жаҳон коллекциясидан бошланғич манбалар ажратиб олинган;

юмшоқ буғдойни селекция ишларининг самарадорлигини оширишда дунё генофондидан келтирилган хорижий навлар ҳисобига ирсияти яхшиланган янги юқори сифатли, серхосил, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли бошланғич манбалари яратилган;

юмшоқ буғдойнинг Кеш-2016 маҳаллий навни яратишда бошланғич манба сифатида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Кузги юмшоқ буғдойнинг жаҳон коллекцияси нав намуналари Қашқадарё вилояти суғориладиган тупроқ-иқлим шароитида ўрганилди ва улардан серҳосил, дон сифати юқори, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига чидамли қимматли белги ва хусусиятларга эга янги нав намуналар танлаб олинган;

Рақобат нав синаш кўчатзорига кирган намуналар Қашқадарёнинг суғориладиган шароитида ҳосилдорликни белгиловчи қимматли хўжалик белгилари бўйича, дон сифати юқори, серҳосил ва қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган, юмшоқ буғдой дурагайлари яратиш учун жаҳон коллекциясидан бошланғич манбалар ажратиб олинган;

Тажриба натажаларига кўра, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касаллик ва иссиқликка чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган навлар ажратилиб олинди ва Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссиясига топширилган, 2020 йилда “истикболли нав” сифатида Давлат реестрига киритилган;

Тадқиқотларда тур ва турлараро чатиштириш асосида ноёб дурагайлар яратилиб, қимматли генетик белги ва хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган оилалар ҳамда тизмалар ажратиб олиш асосида қимматли белги ва хусусиятларга эга бўлган кузги юмшоқ буғдойнинг “Кеш-2016” навини яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги олиб борилган тадқиқотларнинг методик жиҳатдан тўғри ўтказилганлиги, дала тажрибалари Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази томонидан олиб борилган апробация комиссияси томонидан ижобий баҳоланганлиги, маълумотларни математик–статистик ишловдан ўтказилганлиги ҳамда кузатилган қонуниятлар ва олинган хулосаларнинг мослиги, тажриба натижаларини маҳаллий ва чет эл илмий тадқиқотлари билан таққосланганлиги, олинган маълумотлар мутахассислар томонидан ижобий баҳоланганлиги ва тадқиқот натижалари ишлаб чиқариш шароитида кенг жорий этилганлиги, Республика ва Халқаро илмий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти юмшоқ буғдойнинг ҳар хил эко-географик гуруҳларига баҳо бериш асосида эртапишар, юқори ҳосилдор, донининг технологик сифат кўрсаткичлари юқори бўлган ҳамда касалликларга, иссиқлик ва қурғоқчиликка, қишга чидамли намуналари танлаб олиниб, нав яратиш жараёнининг кейинги босқичларида қўлланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти тадқиқот натижасида олинган Кеш-2016 нави 2020 йил учун истикболли нави сифатида, Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш марказининг қишлоқ хўжалигида экиш учун рухсат этилган экинлар рўйхатига олинганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Кузги буғдойнинг маҳсулдор, дон сифати юқори ҳамда занг касаллигига чидамли бошланғич манбаларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

“Уганда – 99” поя занг касаллигига чидамли бўлган 9 та нави шундан 6 та нави ва намуналар сариқ ва қўнғир занг касалликларига чидамлилик ҳамда эртапишарлик хусусиятлари бўйича танлаб олинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 02 – 021 - 82 сонли маълумотномаси). Натижада ушбу навлардан 2019 йилда оқсил миқдори 14,2 фоиз ва клейковина миқдори 29,3 фоиз, 2020 йилда оқсил миқдори 15,1 фоиз, клейковина миқдори 31,2 фоиз олиш имкони бўлган;

сариқ занг касаллигига чидамли ва маҳсулдорлиги юқори бўлган юмшоқ буғдой навларини танлаш дала тажрибасида танлаб олинган нави ва намуналарнинг ҳосилдорлиги 80,6 - 97,1 ц/га оралиғида бўлиб (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 02-021 - 82 сонли маълумотномаси). Натижада стандарт “Краснодарская - 99” навиға нисбатан ҳосилдорлик 7,3 - 23,8 ц/га юқори бўлганлиги аниқланган ва рентабеллигини 31-40,3 фоизга ошириш имконини берган;

тажриба натажаларига кўра, ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касаллик ва иссиқликка чидамли, ҳосилдор, дон сифати юқори бўлган “Кеш-2016” нави яратилиб, синаш учун Қишлоқ хўжалиги экинлари навларини синаш давлат комиссиясига топширилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 02-021 - 82 сонли маълумотномаси). Натижада 2020 йилда “истикболли нави” сифатида Давлат реестрига киритилган;

2020 йилда буғдойнинг янги Кеш – 2016 нави Қашқадарё вилоятининг Қарши туманида 157 гектар, Касбида туманида 120 гектар, Яккабоғ туманида 107 гектар ва Нишон туманида 122 гектар, жами 506 гектар майдонда экилиб (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 12 январдаги 02-021- 82 сонли маълумотномаси). Натижада ушбу туманларда гектарида 75-85 центнердан юқори ҳосил етиштирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 11 та илмий мақола ва 1 та тавсиянома чоп этилган, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларда 1 та мақола, жумладан 8 та мақола Республика илмий журналларида ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, беш боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 135 саҳифани ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ҳамда предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияси тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари, тадқиқотнинг илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияда ижобий баҳолангани, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Кузги буғдойнинг ҳар-хил экстремал шароитларга чидамли ҳамда турли тупроқ-иқлим шароитларига мос, маҳсулдор, дон сифати юқори ҳамда занг касалликларига чидамли бошланғич манбаларини яратишнинг қишлоқ хўжалигидаги аҳамияти»** деб номланган биринчи бобида мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Шунингдек, тадқиқотлар мақсадидан келиб чиқиб, кузги буғдойни маҳсулдор, занг касалликларига чидамли, экстремал шароитларга бардошли навларни бошланғич манбааларини яратишнинг аҳамияти борасида маҳаллий ва хорижий олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари келтирилган. Адабиётлар таҳлилининг сўнггида кузги буғдойни Республикамизнинг тупроқ-иқлим шароитини инобатга олган ҳолда серҳосил, касалликларга, табиатнинг ноқулай омилларига (иссиққа, қурғоқчиликка, қишга, совуққа) чидамли дон сифати қимматли буғдой талабларига жавоб берадиган интенсив типдаги янги навларини яратиш иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги бўйича хулоса баён қилинган.

Диссертациянинг **«Юмшоқ буғдойнинг Занг касалликларига чидамли, қурғоқчиликка, касалликларга, иссиқлик ва гармселга бардошли ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмаларни танлаш»** деб номланган учинчи бобида тадқиқот ўтказилган йилларда занг касалликларига чидамли бўлган юмшоқ буғдой навларини танлаш, поя зангининг (Ug99) расаси ва хавфли оқибатлари, танланган нав ва намуналарнинг ҳосил элементлари, касалликларга чидамли нав ва линиялар ҳосилдорлиги, нав ва тизмаларнинг занг касалликларига чидамлилиги, қурғоқчилликка, касалликларга чидамли, ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмаларни танлаш ва уларнинг ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмалар ҳамда уларнинг ҳосилдорлиги бўйича маълумотлар баён этилган.

Тадқиқот олиб борилган йиллари занг касалликларига чидамли бўлган юмшоқ буғдой навларини танлаш мақсадида халқаро кўчатзорлардан келтирилган 40 та буғдой намуналари синовдан ўтказилган бўлиб, ўрганилган

намуналарнинг 6 таси эртапишар ва 34 таси ўртапишар эканлиги аниқланган. Кечпишар намуналар кузатилмаган.

Ўрганилган намуналарнинг вегетация даври 177-200 кун, дон натураси 697-827 г/л, 1000 та дон вазни 36,1-44,6 граммни ташкил этган. Дон ҳосилдорлиги гектаридан 33,2-76,3 центнер оралиғида бўлган ва энг юқори ҳосилдорлик (76,3 ц/га) SOLH навида кузатилган.

Синовдан ўтказилган намуналарда ун шудринг касаллиги аниқланмаган. 17 та нав сариқ занг касаллигига чалинганлиги, шундан 13 та нав ўта чалинувчан, 4 та нав ўртача чалинганлиги, 23 та буғдой нав ва намуналари сариқ занг касаллиги билан касалланмаганлиги аниқланган.

Кузги юмшоқ буғдойнинг ўрганилган намуналарида ултра эртапишар навлар кузатилмаган.

Сариқ занг касаллигига чидамли маҳсулдорлиги юқори бўлган 40 та юмшоқ буғдой намуналари ўрганилган тажрибада андоза юмшоқ буғдойнинг Жайхун навини дон ҳосилдорлиги 70,3 ц/га, Краснодар-99 навини дон ҳосилдорлиги 73,1 ц/га.ни ташкил этган бўлса, ўрганилган 17 та намуналарнинг ҳосилдорлиги 80,6-97,1 ц/га оралиғида бўлиб, андоза Жайхун навига нисбатан 10,5-27,0 ц/га, Краснодар-99 навига нисбатан 7,3-23,8 ц/га юқори ҳосил берганлиги кузатилган ва селекциянинг кейинги жараёнларида қўллаш учун танлаб олинган.

Шунингдек, тажрибаларда 17 та намуналарнинг ҳосилдорлиги андоза навлардан паст эканлиги аниқланган.

Ўрганилган 40 та намуналардан 8 тасини эртапишар ва 30 тасини ўртапишар навлар ташкил этган.

Илмий изланишлар давомида буғдой намуналари сариқ ва қўнғир занг касаллиги билан касалланмаган, навлар совуққа чидамли ва ўртача чидамли бўлиб, совуқ таъсирида нобуд бўлмаганлиги кузатилган.

Энг юқори ҳосилдорлик 11CWA-26 навида 97,0 ц/га, 11CWA-18 навида 93,5 ц/га, 11CWA-21 навида 92,4 ц/га, 11CWA-28 навида 93,9 ц/га.ни, дон натураси эса тегишли равишда 825, 816, 815, 817 г/л ташкил этган.

Сариқ занг касаллиги билан андоза Краснодар-99 нави 80 фоиз, Жайхун нави 40 фоиз касалланган бўлса, танлаб олинган намуналарда касаллик аломатлар кузатилмаган ва селекция жараёнининг кейинги босқичларига ўтказилган.

Коллекция намуналарида вегетация даври 192-202 кунни ташкил этган. Кузги юмшоқ буғдойнинг коллекция намуналарида 2 та ултра эртапишар, 7 та эртапишар, 12 та ўртапишар ҳамда 4 та кечпишар намуналар борлиги аниқланган.

Нав ва намуналарнинг бошоқ ўлчамлари

Т/р	Нав номи	1м ² майдондаги махсулдор поялар сони, дона	Бош бошоқ ўлчамлари				
			Бошоққ узу лиги, см	Битта бошоқдаги бошоқ чалар сони, дона	Битта бошоқдаги донлар сони, дона	Битта бошоқ оғирлиги, г	Битта бошоқдаги дон оғирлиги, г
1	ID800994.W/KAUZ//ROLLER/	468	8	19	54	3,1	2,5
2	Kreasnodar-99	372	9.5	19	56	4	3
3	MAHON DEMIAS/3/HIM/CN	420	10	21	64	4,4	3,7
4	TX98D1170*2/TTCC365	320	11	20	52	3,8	2,6
5	Esaul	388	10.5	19	53	2,7	2,1
6	iN97395B1-4-3-8/AWD99*5	360	9.2	20	58	3	2,3
7	059E//JAGGER/PECOS	340	10	21	62	3,5	2,7
8	MAHON DEMIAS/3/HIM/CND	400	10	26	79	4	3,2
9	338-K1-1//ANB/BUC/3/GS5	424	9.2	20	61	3,5	2,9
10	X94-748-2-2/TAM301	328	7	16	55	2,5	1,9
11	TX98D1170-19KS2016/TRE	460	11.2	20	59	2,7	2,1
12	PYN/BAU/VORONA/HD2402	480	7	16	40	2,1	1,6
13	Zamin-1	420	10.5	20	63	3,8	2,7
14	KAUZ//ALTAR84/AOS/3/F10S	456	8.7	20	63	3,9	3.1
15	GA951079-3-5/NC96BGTD3	388	9.1	20	46	3,3	2,6
16	PYN/BAU/3/AGRI/BJY/VEE	320	9.5	16	56	3,1	2,4
17	TX98D1170*2/TTCC365	328	9	22	69	4	3,2
18	VORONA/OPATA//PYN/BAU	376	9.2	21	60	3,1	2,4
19	TX98D3447/TX99S4657	356	7.5	20	56	3	2,4
20	BONITO//KAREE/TUGELA	408	7	1	60	2,7	2,1
21	KS2016/TREGO	360	9	18	60	3,6	2,6
22	Hazrati Bashir	360	10	19	60	3,8	2,8
23	GA951395-95-10-7/KS2055	380	10	24	70	4,1	3,1
24	AGRI/BJY//VEE/3/BUL6687.	348	10.2	17	53	3	2,4
25	CONA/KLCRI/3/BPON/W0000	420	10.3	22	75	4.2	3.5

Олинган натижаларга кўра кузги юмшоқ буғдой намуналаридан эртапишарлигига кўра 3 та намуна танлаб олинган. Занг касалликларига чидамли бўлган намуналар сариқ ва кўнғир занг касаллиги билан касалланмаган.

Кузги юмшоқ буғдой намуналарида бошоқдаги дон сонига май ойининг иккинчи ва учунчи декадасидаги ҳароратнинг кескин кўтарилиши жуда катта салбий таъсир кўрсатган. Чунки юқори ҳарорат натижасида бошоқчаларда дон ҳосил бўлмайди ёки ривожланишдан орқада қолиб кетади. Шунинг учун ҳам юмшоқ буғдой намуналарининг бошоқдаги дон сонига селекция жараёнларида катта эътибор берилади.

Махсулдор поялар сони ҳосилдорликни аниқловчи асосий кўрсаткич ҳисобланиши аниқланган.

Намуналар тўлиқ бошоқлаганда 1м² даги маҳсулдор поялар сони 320 - 480 донани ташкил этган бўлса, маҳсулдор поялар YN/BAU/VORONA/HD2402 намунасида 480 дона, ID800994.W/KAUZ//ROLLER/ намунасида 468 дона, TX98D1170-19KS2016/TRE намунасида 460 дона шаклланганлиги аниқланган.

Ўрганилган намуналарнинг бошоқ узунлиги 7,0-11,2 см, 1 та бошоқдаги донлар сони 40-79 дона, 1 та бошоқдаги донлар оғирлиги 1,6-3,7 грамм оралиғида бўлган.

Тадқиқот натижаларига кўра, ўрганилган намуналарнинг 1000 та дон вазни 38,2-45,3 грамм оралиғида бўлган бўлса, MAHON DEMIAS/3/HIM/CN намунасининг 1000 та вазни энг оғир 45,3 граммни ташкил этган.

Танлаб олинган намуналарнинг ҳосилдорлиги ўртача 63,5-80,1 ц/га оралиғида бўлган. Ҳосилдорлик MAHON DEMIAS/3/HIM/CN намунасида 80,1, 059E//JAGGER/PECOS намунасида 78,5 ва PYN/BAU/3/AGRI/BJY/VEE намунасида 77,1 ц/га ташкил этган.

Поя занг касаллигига чидамли намуналарнинг клейковина миқдори 26,1-29,6 фоиз оралиғида бўлиб, клейковина MAHON DEMIAS/3/HIM/CN 29,6%, X94-748-2-2/TAM301 29,1% ва PYN/BAU/VORONA/HD2402 намунасида 28,9% ни ташкил этган.

Оқсил миқдори 12,0-15,1 % оралиғида бўлиб, X94-748-2-2/TAM301 намунасида 12,5%, MAHON DEMIAS/3/HIM/CN намунасида 12,9% ва PYN/BAU/VORONA/HD2402 намунасида 13,8% эканлиги аниқланган.

Ўрганилган намуналардан касалликларга, ноқулай иқлим шароитларга чидамли, ҳосилдорлиги, дон сифати юқори бўлган 3 та намуна танлаб олиниб, селекция жараёнларининг кейинги босқичларига ўтказилган.

Қурғоқчиликка чидамлилик. Танлаб олинган 16 та тизмалар (R) ўта чидамли, KR15-PC-WINTER-277 тизмаси (5MR), KR15-PC-WINTER-170, KR15-PC-WINTER-201, KR15-PC-WINTER-204, KR15-PC-WINTER-317 тизмалари (10MR) ўртача чидамли эканлиги аниқланган.

Ҳосилдорлик. Яксарт навида 76,7 ц/га, Краснадор-99 навида 66,1 ц/га, Чиллаки навида 55,3 ц/га, Ғозғон навида 72,4 ц/га, Ҳазирати Бешир навида 78,8 ц/га.ни, танлаб олинган KR15-PC-WINTER-317 88 ц/га, KR15-PC-WINTER-295 83,1 ц/га, KR15-PC-WINTER-60 79,4 ц/га, KR15-PC-WINTER-152 79,1 ц/га, KR15-PC-WINTER-266 82,9 ц/га ни ташкил этган.

Тажрибада Яксарт навида дон шишасимонлиги 72,25%, оқсил миқдори 14,8%, клейковина миқдори 28,75 %, ИДК 84,6, Краснодар-99 навида дон шишасимонлиги 86 %, оқсил миқдори 14,3%, клейковина миқдори 26,9 %, ИДК 84 бўлган бўлса, танлаб олинган тизмаларда KR15-PC-WINTER-288 дон шишасимонлиги 82 %, оқсил миқдори 16,25%, клейковина миқдори 31 %, ИДК 102, KR15-PC-WINTER-289 дон шишасимонлиги 76,5%, оқсил миқдори 16,5%, клейковина миқдори 31,8 %, ИДК 107,4, KR15-PC-WINTER-261 дон шишасимонлиги 83,5%, оқсил миқдори 16,3 %, клейковина миқдори 30,55 %, ИДК 97,5, KR15-PC-WINTER-259 дон шишасимонлиги 75%, оқсил миқдори 15.1%, клейковина миқдори 32,95 %, ИДК 102 г.ни ташкил этган.

2009-2011 йилларда 60 та нав ва тизмалар экилиб ўрганилган. Тажриба натижаларига кўра 60 та нав ичидан касалликларга чидамли, паст бўйли, биринчи бўғин оралиғи қисқа ва бақувват ривожланган, ётиб қолишга чидамли, вегетация даври қисқа ҳамда 1000 та дон вазни ва ҳосилдорлиги юқори бўлган 20 та нав ва тизмалар танлаб олинган.

Назорат кўчатзоридан танлаб олинган ҳосилдор 82,М331 BWBN-282 навида униб чиққандан бошоқлашгача бўлган давр 159 кун, бошоқлаш-пишиш 36 кун, вегетация даври 195 кун, 1000 та дон вазни 32,6 гр, ҳосилдорлик 69,1 ц/га, 17WRA0083 навида ҳосилдорлик 68,1 ц/га, униб чиқиш-бошоқлаш 147 кун, бошоқлаш-пишиш 37 кун, вегетация даври 184 кунни ташкил этган.

2011 йил ҳосили учун назорат кўчатзоридан танлаб олинган 20 та навдан иккита D-18 BEA/KOL ва D-21/15 навлари рақобатли нав синаш кўчатзорига, қолган 18 таси қайта ўрганиш учун назорат кўчатзоридида қолдирилган.

2-жадвал

Нав ва тизмаларнинг занг касалликларига чидамлилиги


№	Номи	Сарик занг	Сарик занг	Қўнғир занг	Қўнғир занг
		15.апр	10.май	15.апр	10.май
1	Яксарт	20MR	20MR	0	MR
3	ATTILA*2/PBW65/MURGA	R	R	0	R
4	PBW*2/KUKUNA//TECUE#1	R	R	0	R
6	KROSNADAR/FRTL	R	R	0	R
9	WBLL1*2/KURUKU//HEILO	R	R	0	R
11	DORADE-5	TR	R	5S	5MR
12	AGRI/NAC//ATTILA	10MR	10MR	0	R
15	ROLF07*2/4/CROC_1/AE.SQUARROSA(205)//..	TR	R	0	R
17	VORONA/OPATA//PYN/BAU	10MR	10MR	0	R
18	TAM200/KAUZ	10MR	10MR	0	R
22	WBLL1*2/KURUKU//HEILO/3/WBLL1*/KURUKU	10MR	10MR	0	R
24	ТОПИК-16	40MS	40MR	0	R
29	BILINMIYEN6.55	TR	R	0	R
30	ID800994.W/FALKE	30MS	30MR	0	R
35	AGRI/BJY//VEE/3/KS82142/CUPE	R	R	0	R
36	Краснодар-99	100S	100S	20MS	30MS

Изоҳ: R-бардошли, MR-ўртача бардошли, S-берилувчан, MS-ўртача берилувчан.

Тажрибаларда ҳосилдорлик “Яксарт” 62 ц/га ва “Краснадар-99” 61 ц/га, “BILINMIYEN6.55” навида 78 ц/га ташкил этди ва стандарт навларга нисбатан 16-17 ц/га юқори ҳосил берди.

Тажрибаларда қурғоқчиллик, занг касалликларига чидамли, 17 IWWYT питомнигидан танлаб олинган 36 та нав ва тизмалар ҳамда 13YT питомнигидан танлаб олинган 36 та нав ва тизмалар бўйича тажрибалар олиб борилди. 17 IWWYT питомнигида 6 та стандарт нав, шулардан 5 таси халқаро стандарт навлари (Bezostaya, SERI, KINACI-97, KATE A-1, KONYA 2002) ва Яксарт

ўйилди.




расм. Нав ва тизмаларнинг делянкадан олинган ҳосили ва ҳосилдорлиги

Нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги. Халқаро кўчатзордан танланган нав ва тизмалар ҳосилдорлиги андоза навларга қараганда анча юқори бўлди. Андоза навларнинг ҳосилдорлик кўрсаткичлари 55-74 ц/га, танланган нав ва тизмаларда 65-80 ц/га оралиғида бўлди. Ҳосилдорлик стандарт “Безостая 1” навида 74 ц/га, “DORADE-/5YMH/HYS//HYS/TUR3055/3/DGA/4VPM/MOS” тизмасида 80 ц/га, “TURKOAZ” тизмасида 79 ц/га, “AWD99*5725/FL9547” тизмасида 75 ц/га, “PSK/NAC//SABALAN/3/TAM200 /KAUZ” тизмасида 74 ц/га.ни ташкил этган.

Иссиқлик, гармселга чидамли ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган нав ва тизмалар. Иссиқлик, занг касалликларига чидамли ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган 13 ҲТ питомнигидан 36 та нав ва тизмалар танлаб олинди ва тадқиқотлар ўтказилган.

Ўтказилган тажрибалардан танлаб олинган нав ва линияларнинг бошоқлашгача бўлган даври 163-173 кун, бошоқлашдан пишишгача 34-43 кунни ташкил этган.

Танлаб олинган нав ва линияларнинг ҳосилдорлиги Яксарт навига нисбатан анча юқори бўлган. Яксарт навининг ҳосилдорлиги 65 ц/га га тўри келган бўлса, танлаб олинган “13ҲТ_6140” навида ҳосилдорлик 79 ц/га, “13ҲТ_6129” навида 78 ц/га, “13ҲТ_6144” навида 77 ц/га, “13ҲТ_6088” навидан 75 ц/га ташкил этган.



2-расм. Нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги

Диссертациянинг «Дурагайларда белги ва хусусиятларни ирсияти ва ирсийланиш даражаси ўртасидаги корелляция» деб номланган тўртинчи бобида юмшоқ буғдой дурагайлари, F_1 - F_2 дурагайларда ўсимлик бўйининг ирсийланиши, F_2 авлоддаги белгиларнинг ажралишини статистик усулда таҳлил қилиш – χ^2 , F_1 - F_2 дурагайларда бошоқ узунлигининг ирсийланиши, F_1 - F_2 дурагай авлодларда бошоқдаги донлар сонининг ирсийланиши, F_1 - F_2 дурагай авлодларда 1000 та дон вазнининг ирсийланиши бўйича маълумотлар берилган.

Тажриба натижаларига кўра, танлаб олинган ҳар хил ташқи муҳит таъсирларига ва касалликларга чидамли, юқори ҳосилдор, дон сифат кўрсаткичлари юқори бўлган нав ва намуналар иштирокида 2012 йилда 15 та дурагайда комбинацияда дурагайлаш ишлари ўтказилган.

Дурагайлаш учун ўсимликларни тайёрлаш (чангчиларини олиб ташлаш) апрель ойининг 19-21 кунларида ўтказилган. Дурагайлашга тайёрланган ўсимликларни чанглатиш 3 кундан сўнг бошланиб, апрель ойининг 24 - кунда ниҳоясига етган.

Дурагайлашда ҳар бир дурагай учун она ўсимликларнинг 3 дона бошоғидан фойдаланилган. Чатиштириш ўтказилган 15 дурагайдан барчасида дурагай дон олишга эришилган.

Ҳар бир яратилаётган дурагайларда ота-она шакллари ўзида мужассамлаштирган дурагайлар ҳар хил тупроқ-иқлим ва турли экстремал шароитларга мос келадиган дурагайлар олишга қаратилган.

Чатиштириш натижасида олинган дурагай донлари сони 8 тадан 52 тагача бўлганлиги аниқланган. Бу кўрсаткич фоиз кўринишида 13 фоиздан 87 фоизгача бўлганлиги аниқланган.

Чангчиларни ўзида ушлаш қобилияти энг юқори Бунёдкор х Жайвирак дурагайида 87 фоиз, Шарара х Яксарт дурагайида 80 фоиз ва Н-586 х 2010/11 дурагайида 77 фоиз бўлиб, 46-52 та дурагай донлар олишга эришилди. Энг кам

донлар Антоновка х Ғозғон дурагайида 13 фоиз, Бунёдор х Победа дурагайида 17 фоиз ва Антоновка х Заррин дурагайида 22 фоиз дурагай донлар олинган.

F₁-F₂ дурагайларда ўсимлик бўйининг ирсийланиши. Ўсимлик бўйининг наслдан наслга ўтишида дурагайлашда пакана пояли ва баланд ўсадиган шакллари талаб қилинади. Мазкур белги бўйича гетерозис намоён бўлиши кузатилиб, ҳатто устунлик (доминантлик) юзага чиқади.

Чатиштирилган дурагай линиялар биринчи йили ота ва она форма билан биргаликда экилди ва хусусиятлари таққосланиб баҳоланган. Дурагайларнинг F₂ ва F₃ бўғинларида ҳам қимматли белги хусусиятга эга бўлган линияларни танлаш ишлари давом эттирилган.

Дурагайларнинг дастлабки бўғинларида қимматли хусусиятга эга бўлган линияларни ажратиб олиш селекция жараёнини бирмунча осонлаштиради ва қисқартиради.

Юмшоқ буғдой дурагайларида ўсимлик бўйининг ирсийланишини дастлабки бўғинда 8 авлодда юқори гетерозис ҳолати кузатилган. Энг юқори гетерозис F₁ авлодда Н-586 х 2010/11 дурагайида ($h_p=1.9$) кузатилган.

Бологна х Туркистон дурагайида ҳам ($h_p=1.5$) ва F₂ авлодда $x^2=2,8$ юқори доминантлик ҳолати кузатилган.

F₁ авлодда 8 та юқори доминантлик, 4 та қисман доминантлик, 2 та салбий доминантлик ҳолати кузатилган. 1 та дурагайда ($h_p=0$) бўлиб, доминантлик кузатилмаган.

F₂ авлодда ўсимлик бўйининг биров пасайиши кузатилди. F₂ авлодда ўсимлик бўйининг ирсийланишида 7 та юқори доминантлик, 4 та қисман доминантлик, 4 та салбий доминантлик ҳолати кузатилган. Ота ва она формаларидан қимматли хусусиятга эга бўлган линиялар танлаб олинган.

F₂ авлоддаги белгиларнинг ажралишини статистик усулда таҳлил қилиш – x^2 . Олиб борган тажрибага кўра, ўсимлик бўйининг узун ёки калталиги, бошоқ узунлиги, бошоқдаги донлар сони, 1000 та дон вазни каби қимматли хўжалик белги хусусиятлари таҳлил қилинган.

Ўсимлик бўйининг пакана бўлишлиги қурғоқчилик бўлган йилларда ҳосилдорлик ва дон сифат кўрсаткичларининг пасайишига олиб келувчи омиллардан ҳисобланади. Шунинг учун, янги яратилаётган дурагай авлодларида ўсимлик бўйининг пакана бўлмаслигига этибор қаратиш зарур.

15 та комбинацияларда ўсимлик бўйининг ирсийланишини ўрганиш учун ҳар бир комбинациядан 100 тадан ўсимлик таҳлил қилинган ва баҳоланган. KR11-010 х KR11-040 комбинацияда ўсимлик бўйининг ирсийланишини қуйидаги кўринишда бўлган.

Дурагайлашда оналик шакл сифатида фойдаланилган KR11-010 навининг бўйи 90.2 см ни, оталик шакл сифатида олинган KR11-040 навининг бўйи 81.2 см ни ташкил этганлиги аниқланиб, ўрганилган 100 та ўсимликдан 79 тасининг бўйи оталик шаклга, 21 таси нинг бўйи 80 см атрофида бўлиб, оналик шаклга ўхшашлиги қайд этилган. Ўсимлик бўйининг узун бўлиши, калта бўйлиликдан устун бўлиб, доминант белги эканлиги аниқланган.

Статистик таҳлил натижаларига кўра, озодлик даражаси 1 га, эҳтимоллик 0.05 тенг бўлган қиймат Фишер жадвалида 3.841 га тенг. Биз тамондан ҳисоблаб чиқилган χ^2 миқдори жадвалда берилган қийматдан кичик ($\chi^2 = 0,85$) бўлган ва олинган натижалар 3:1 берилган нисбатга тўғри келган (10-жадвал).

Натижаларга кўра, ўсимлик бўйи узун бўлган дурагай линиялар танлаб олинган ва селекция ишларида фойдаланишга тавсия этилган. Ўрганилаётган барча дурагай комбинацияларда ўсимлик бўйининг ирсийланиши ўрганилган ва статистик таҳлил натижаларига кўра Фишер жадвалига тўғри келадиган 3.841 рақамидан кичик бўлиб, олинган натижалар тўғри эканлиги аниқланган.

Ўсимлик бўйининг наслдан наслга ўтишини ўрганишда дурагайлаш учун пакана пояли ва баланд ўсадиган шакллари танлаб олиш мақсадга мувофиқ бўлади.

F₁-F₂ дурагай авлодларда 1000 та дон вазнининг ирсийланиши. Ўрганилаётган дурагай линияларнинг дастлабки авлодларида юқори доминантлик ҳолати юзага чиқиб, дурагай линиялар 1000 та дон вазни юқори бўлганлиги кузатилган. 1000 та дон вазни даслабки авлодларда ота она шаклларига нисбатан юқори бўлганлиги кузатилган.

F₁ авлодда дурагайлардан 11 тасида юқори даражада доминантлик, 2 та дурагайда қисман доминантлик кузатилган бўлса, 1 та дурагайларда салбий доминантлик ҳолати борлиги ва 1 та дурагайда ($h_p=0$) бўлиб, доминантлик кузатилмаган.

F₂ авлодда 8 та дурагайда юқори доминантлик, 4 та дурагайда қисман доминантлик, 3 та дурагайда салбий доминантлик кузатилган.

Энг юқори доминантлик Бологна х Ҳисорак дурагайида F₁ авлодда юқори даражада доминантлик ($h_p=3.4$) ва F₂ авлодда ($\chi^2=0.5$) бўлиши қайд қилинган.

Шунингдек, Наврўз х Ҳисорак, Шарара х Эломон, Ҳисорак х Краснодар-99, Бунёдор х АС 2000-134-2, Бунёдор х Жайвирок, Н-586 х 2010/11 дурагайлари F₁-F₂ авлодларида 1000 та дон вазни 40 гр.дан юқори бўлганлиги кузатилган. 1000 та дон вазни юқори бўлган дурагай тизмалар селекция ишларига тавсия қилинган.

Ўрганилаётган 15 та дурагай комбинацияларда 1000 та дон вазнининг ирсийланишини ўрганиш учун ҳар бир комбинациядан 100 тадан ўсимлик таҳлил қилинган ва баҳоланган.

Наврўз х Ҳисорак дурагай комбинацияда 1000 та дон вазнининг ирсийланишини дурагайлашда оналик шакл сифатида фойдаланилган Наврўз навининг 1000 та дон вазни 40.4 гр.ни, оталик шакл сифатида олинган Ҳисорак навининг 1000 та дон вазни 37.3 гр.ни ташкил этганлиги аниқланиб, ўрганилган 100 та ўсимликдан 79 таси нинг 1000 та дон вазни оталик шаклга, 21 таси ники оналик шалга ўхшашлиги қайд этилган.

Олинган натижалардан кўришиб турибдики, 1000 та дон вазнининг юқори бўлиши устун белги бўлиб, доминант белги эканлиги аниқланган.

Статистик таҳлил натижаларига кўра, озодлик даражаси 1 га, эҳтимоллик 0.05 тенг бўлган қиймат Фишер жадвалида 3.841 га тенг. Биз

томондан ҳисоблаб чиқилган χ^2 миқдори жадвалда берилган қийматдан кичик ($\chi^2=0,85$) бўлган ва олинган натижалар 3:1 берилган нисбатга тўғри келган (12-жадвал).

Натижаларга кўра, 1000 та дон вазни юқори бўлган дурагай линиялар танлаб олинган ва селекция ишларида фойдаланишга тавсия этилган. Ўрганилаётган барча дурагай комбинацияларда 1000 та дон вазнинг ирсийланиши ўрганилган ва статистик таҳлил натижаларига кўра Фишер жадвалига тўғри келадиган 3.841 рақамидан кичик бўлиб, олинган натижалар тўғри эканлиги аниқланган.

1000 та дон вазни ҳар бир нав учун характерли белги бўлиб, у ёки бу шароитда ўстирилганда 0,7-1,0 г гача ўзгариши мумкин. Озиқлантирилган сонлар билан ўғит берилмаган сонлар орасида 3-4 г.гача ўзгариши кузатилган.

Диссертациянинг **«Рақобат нав синаш кўчатзорларида танлаб олинган нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги ҳамда дон сифат кўрсаткичлари»** деб номланган бешинчи бобида юмшоқ буғдойнинг рақобат нав синаш кўчатзорларида олинган натижалар, уларнинг ҳосилдорлиги, донининг сифат кўрсаткичлари бўйича маълумотлар баён қилинган.

Рақобат ва назорат нав синов майдончасида 2 йил давомида қимматли-хўжалик белги ва хусусиятлари билан танлаб олинган 121/2006, 69/2006, 27/2006, 56/2006 янги нав ва тизмалар занг ва ун шудринг касалликларига юқори чидамли (0-5%) эканлиги аниқланган.

Ўтказилган тадқиқотлар натижасига кўра рақобат нав синаш тажрибасидаги нав ва тизмалар 2008 йилда сариқ занг касаллиги билан зарарланмаган. Қўнғир занг касаллигига чидамлик AGRI/NAC//MLT/5/GOV/FZ//MUS/3/DODO/4/BOW-/6/VORONA /TR810200, назорат Д-29/2006, назорат Д-36/2006, назорат Д-42/2006, назорат Д-51/2006, 169\2004, 18\2004, Яксарт. Туркистон навларида кузатилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, 2007 йилда дурагай тизмалардан якка танлаш усули билан яратилган Туркистон, 2008 йилда Яксарт нави ташқи муҳитнинг ноқулай омилларига, касаллик ва зараркунандаларга чидамлиги билан бирга юқори ҳосилдорликка эга эканлиги аниқланиб, республиканинг суғориладиган майдонларига экиш учун Давлат синаш комиссиясига топширилган.

2009 йилда рақобат нав синаш кўчатзорида юмшоқ буғдойнинг 33 та нави синовдан ўтказилган.

Навларнинг тўлиқ вегетация даври эртапишар Чиллаки навида 217 кун, ўртапишар Замин-1, Туркистон, Крошка, Москвич ва бошқа навларда 222-230 кун, кечпишар Половчанка, SAULESKU, ORHO-10918, ORHO-10920, OR-9901887 каби навларда 230 кундан кўп эканлиги аниқланган.

Бош бошоқдаги донлар сони ва дон вазни бошоқ узунлиги билан боғлиқ бўлиши аниқланган. Бошоқдаги донлар сонининг энг юқори кўрсаткичи SAULESKU навида 57,1 донани, BELITZA навида 54,4 донани, Замин-1, Туркистон, ORHO-10920, MV-417-03 навларида 50,1 дан 52,1 донагача, Саидазиз, Назорат-5, Назорат- 29, Назорат-21, Назорат-24, Восторг каби навларда 51,1 дан 54,6 донагача бўлиши аниқланган.

1000 та дон вазни навлар бўйича ўртача 39,3 дан 44,2 г.гача ўзгарди. 1000 та дон вазни Назорат-10 тизмасида 39,3 г, Назорат-36F3, ORHO-10918 тизмаларида 39,5 г.ни ташкил қилган бўлса, Замин-1, № 586 F навларида 42,7 дан 42,8 г.гача ўзгарган. Чиллаки навида 44,2 г.гача бўлиши кузатилган.

Навларнинг ҳосилдорлиги таҳлил қилинганда 4 та навда (Вита-73.0ц/га, Назорат-18-72,2 ц/га, Назорат-/25-71,6 ц/га ва MV-417-03-70,3 ц/га) ҳосилдорлик 70 центнердан юқори бўлиб, андоза навларга нисбатан 5,0-10,2 ц/га.ча юқори ҳосил бериши аниқланган. 19 та навда ҳосилдорлик 60-70 центнер оралиғида бўлиб, ушбу нав ва тизмалар ҳосилдорлиги андоза навлар ҳосилдорлигига яқинлиги кузатилган. Жумладан, №586 F, 108/2004, GONDVANA, Бобур, AGRENAG навларидан 66,5 дан 69,2 ц/га.ча ҳосил олинган. Қолган 10 та навнинг ҳосилдорлиги 50-60 центнер оралиғида бўлиб, андоза Замин-1 ва Крошка навларига нисбатан паст ҳосил бериши кузатилган. Чиллаки-54,4 ц/га, ADYR-52,2 ц/га, IZVOR-53,2 ц/га ҳосил бериб, андоза навларига нисбатан 8,7-13,1 ц/га.ча паст ҳосил паст ҳосил бериши аниқланган.

ХУЛОСА

Ўтказилган тадқиқотлардан олинган натижаларни ҳисобга олиб қуйидагича хулоса олинган:

-Уганда-99 поя занг касаллигига чидамли 9 та нав ва намуналарнинг ҳосилдорлиги ўртача 64-80,1 ц/га, клейковина 26,1-31,2 %, оксил миқдори 12,0-15,1 %, занг касалликларига чидамли бўлган 6 та нав ва намуналар эртапишар, ҳосилдорлиги 58,0-97,0 ц/га оралиғида, сариқ ва қўнғир занг касаллиги билан касалланмаганлиги аниқланган.

-сариқ занг касаллигига чидамли маҳсулдорлиги юқори бўлган юмшоқ буғдой навлари ўрганилган тажрибада танлаб олинган 17 та навнинг ҳосилдорлиги 80,6-97,1 ц/га оралиғида бўлиб, андоза Жайхун навига нисбатан 10,5-27,0 ц/га, Краснодар-99 навига нисбатан 7,3-23,8 ц/га юқори ҳосил берганлиги кузатилган ва селекциянинг кейинги жараёнларида қўллаш учун танлаб олинган.

-селекция кўчатзорида танлаб олинган 28 та дурагай тизмалар ҳосилдорлиги 60.0-80.4 ц/га ва 1000 та дон вазни 44.8 г.ни ташкил этган ва назорат кўчатзорига ўтказилган. Бошоқлаш–пишиш даври энг қисқа (30 кун) бўлган 4 та нав танлаб олинган. Бошоқдаги бошоқчалар сони ($r=0,08$), бошоқдаги бошоқчалар сони ва ҳосилдорлик ($r=0,47$) ҳамда бошоқ узунлиги ва ҳосилдорлик ўртасидаги коррелятив боғлиқлик ($r=0,11$) борлиги кузатилган. Иссиқликка чидамли ва серҳосил бўлган 9 та дурагай тизмаларнинг ҳосилдорлиги 52,6-73,5 ц/га эканлиги аниқланган;

-назорат кўчатзорида қурғоқчиликка чидамли 75,0-88,0 ц/га.дан юқори ҳосил берган 11та нав ва тизмалар танлаб олинган;

-занг касалликларига чидамли касалланмаган 7 та нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги 62,0-78,0 ц/га.ни, иссиқлик, гармселга чидамли ҳамда ҳосилдорлиги юқори бўлган 4 та нав ва тизмаларнинг ҳосилдорлиги 75,0-79,0 ц/га.ни ташкил этган;

-дурагай тизмалардан якка танлаш усули билан яратилган Кеш-2016 нави ташқи муҳитнинг ноқулай шароитларига, касаллик ва ётиб қолишга

чидамлиги, юқори ҳосилдорлиги билан танлаб олинган ва Давлат нав синаш комиссиясига топширилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПРИ НАУЧНО
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА
И АГРОТЕХНОЛОГИИ ВЫРАЩИВАНИЯ**

ХЛОПКА

**КАШКАДАРЬИНСКИЙ ФИЛИАЛ НАУЧНО-ССЛЕДОВАТЕЛЬСКОГО
ИНСТИТУТА ЗЕРНОВЫХ И БОБОВЫХ КУЛЬТУР**

ИСЛОМОВ САРВАР САЪДУЛЛАЕВИЧ

**СОЗДАНИЕ ПРОДУКТИВНЫХ, КАЧЕСТВЕННЫХ И УСТОЙЧИВЫХ
К РЖАВЧИНЕ ПЕРВИЧНЫХ ИСТОЧНИКОВ ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ**

06.01.05 – Селекция и семеноводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2019.4.PhD/Qx202.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.psuyaiti.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:

Зиядуллаев Зоҳиджон Файзуллаевич
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор

Официальные оппоненты:

Алликкулов Сафар Менгликулович
доктор сельскохозяйственных наук,
профессор

Бобоев Сайфулла Гафурович
доктор биологических наук, доцент

Ведущая организация:

Каракалпакский научно-исследовательский
институт сельского хозяйства

Защита диссертации состоится « ____ » _____ 2020 года в ____ часов на заседании Научного совета PhD.05/27.02.2020.Qx.42.02 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (Адрес: 111218, Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Тел.:(+99871) 150-62-78; факс:(+99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru, Административное здание, 3 этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в библиотеке Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка (зарегистрирована под номером ____). Адрес: 111218, г. Ташкент, ул. Университетская, дом-1. Научно-исследовательский институт селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопка, библиотека. Тел.: (+99897) 746-47-60).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2020 года.
(протокол рассылки № ____ от « ____ » _____ 2020 года).

А.Э.Равшанов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с/х.н.,
с.н.с.

А.Ё.Курбонов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.с/х.н.,
с.н.с.

А.Б.Амантурдиев

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению ученых
степеней, д.с/х.н., с.н.с.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодняшнего дня в 92 странах мира проживает 231 миллион человек. Семена пшеницы посеяны на площади более гектара, собрано 760,4 миллиона тонн зерна. Пшеница - один из наиболее широко потребляемых пищевых продуктов в мире и ведущая культура по площади. Отчет Организации Объединенных Наций (ООН) и Продовольственной и сельскохозяйственной организации (ФАО) в октябре 2019 года показал, что производство пшеницы в мире растет год от года. Согласно данным, валовой сбор зерна пшеницы в 2016 году составил 729 млн тонн, в 2017 году - 749 млн тонн, в 2018 году - 760,4 млн тонн, а в 2018 году валовой сбор зерна от валовых зерновых культур составил 2658,1 млн тонн. тонн, из которых 28,6% составило зерно пшеницы, а в 2019 году - 2720,0 млн тонн, из которых 28,9% - зерно пшеницы, а производство зерна увеличилось на 65,3 млн тонн или 2,5% по сравнению с 2018 годом.

В Китае, Индии, России, США, Франции, Канаде, Германии и ряде других стран, где развито мировое сельское хозяйство, пшеница является ведущим производителем озимой пшеницы. Проводится обширная работа по созданию сортов и использованию ресурсов - сохраняющие технологии при выращивании качественного зерна.

Стратегия действий Республики Узбекистан на 2017-2021 годы устанавливает приоритеты для «... разработки и реализации мер по защите растений от болезней и вредителей». Учитывая эти задачи, важно проводить научные исследования по повышению урожайности за счет внедрения эффективных методов борьбы с болезнями зерновых культур.

Закон Республики Узбекистан «О защите сельскохозяйственных растений от вредителей, болезней и сорняков», Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 марта 2004 г. № 148 «О мерах совершенствованию структуры и эффективности защиты растений». услуги », Указ Президента Республики Узбекистан от 29 декабря 2015 года « О мерах по дальнейшему реформированию и развитию сельского хозяйства в 2016-2020 годах ».

